

# 2016 йил - Соғлом она ва бола йили

ILM OLMOQQA INTILISH - HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

# Ziyo chashmasi

ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 1 (240) 2016 YIL 1-yanvar

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

## ХАБАРЛАР

### Маънавий ҳордик

#### ОЛДИК

Ўзбек адабиётининг ёрқин намояндаси бўлган атоқли адиб Ҳамид Олимжон таваллуди муноса-бати билан институт хорижий тиллар факультети ҳамда талабалар турар жойи жамоатчилиги ҳамкорликда бадиий кечка ташкил этдилар.

Бадиий кечада факультет ўқитувчилари Т. Равшанова, Р. Норбекова, Ф. Норбеков, Д. Муҳаммадиева, А. Муҳаммадиев, А. Рустамовлар иштирок этишиди. Талабалар томонидан улуғ шоир ижодига бағишинган саҳна кўринишлари намойиш қилинди, дилрабо шеър ва кўшиклар ижро этилди.

Бадиий кечада якунида сўзга чиқсан факультет ўқитувчилари Т. Равшанова ҳамда Р. Норбекова талабаларга ўзларининг самимий тилакларини билдиридилар.

Тадбир талаба-ёшларда бир олам таассурот қолдирди.

Зулфизар ТАШАНОВА,  
Инглиз тили ва адабиёти  
йўналиши талабаси.

### «Адолат» галаба қозонди

Институт Маданият саройида миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишининг 1-босқич талабаларидан ташкил топган «Адолат» ва «Юристлар» жамоатлари ўртасида «Конституциямиз - фаҳримиз, ифтихоримиз» мавзусида билимлар беллашуви бўлиб ўтди.

Беллашув 4 шарт асосида олиб борилди. «Ўзаротаниширув», «Билимлар синови», «Суд процесси» ва «Эркин мавзу» шартлари бўйича беллашув 67:53 кўрсаткич билан «Адолат» жамоаси фойдасига якунланди.

Абдугаффор АБДУРАҲМОНОВ,  
Миллий гоя, маънавият  
асослари ва ҳуқуқ таълими  
йўналиши талабаси.

### Намунали очиқ дарс

Ўзбек тили ва адабиёти факультетининг 402-гуруҳида миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси катта ўқитувчиси О. Жўраевнинг намунали очиқ дарси бўлиб ўтди.

Дарснинг ўзига хос ташкил этилиши, талабаларни ўқитувчи томонидан дарсга жалб этилиши ва дарс мобайнида замонавий интерфаол усуслардан унумли фойдаланиш дарснинг ижобий ютуқларидан бири сифатида ўтироф этилди.

- Биз ушбу намунали очиқ дарс давомида мавзу юзасидан ўзимизни қизиқтирган барча саволларга старлича жавоб олдик. Мана шундай дарслар тез-тез ташкил этиб турилса соз иш бўлар эди, - дейдик мазкур гуруҳ талабаси О. Негматов биз билан сұхбатда.

Гулноза ИРИСЕВА,  
ўзбек тили ва адабиёти  
йўналиши талабаси.



Ассалом, 2016!

### Озод ва обод Ватан мадҳи бугун ҳар биримизнинг дилумизда, тилумизда!

Дунёда суверен деб ўтироф этилган ҳар бир давлат борки, ўз давлат рамзлари - байробги, герби, мадҳи-си ҳамда Конституциясига эга. Мамлакатимиз халқаро ҳуқуқ субъектига айланниши, мустақил давлат сифатига жаҳонга танилишида, мустақилликка эришганимиз ва унга эгизак тушунча бўлган Конституциямизнинг қабул қилинганилиги ётади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётидаги катта аҳамиятга эга бўлди. Буни мустақиллик тенгдошлари бўлган биз ёшларнинг имкониятларимиздан билиш қийин эмас.

Мустақиллик шарофати илиа мустабид тузум даврида ўзининг ҳақиқий қиёфасини йўқотган миллийлигимиз, урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг қайта тикланишига эришидик.

Миллат тараққиётини яна бир ююри погонага кўтарган муқаддас неъмат Бош қомусимизнинг широри сифатида жаранглаётган «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон жамият» тушунчаси қанчалик бир-бирини тўлдириши, бугунги кунимиз, яқин ўтмишимиз ва биз яратмоқчи бўлган фаровон кела-жагимизда ўз қиёфасини кўрсатмоқда.

Умуминсоний қадриятларга содиқлик, ҳалқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, инсоннинг ўз имкониятларини эркин ҳимоя қилиши, ватанпарварлик, фидоийлик, жасорат, тадбиркорлик каби тушунчалар билан bogliqdir. Demak, aйтиш мумкинки, Конституция бизга ўзлигимизни англаш ва қадрлаш туйгусини берди.

Бу йил Бош қомусимиз қабул қилинганилигининг 23 йиллигини кенг нишонладик.

Ана шундай шодиёналардан бири 4 декабр куни институтимиз маданият саройида бўлиб ўтди. Йигилишини институтимиз ректори, профессор А. Холбе-

ков табрик сўзи билан бошлаб берди. Ректоримиз ўз нутқида ўтган бир йиллик давр мобайнида институтимизда бўлган ўзгаришлар, қўлга киритган ютуқ ва марраларимиз ҳақида атрофлича тўхтади. Конституциямизда белгиланган принциплар ҳақида сўзлар экан, «Давлатимиз томонидан миллий тараққиётимизда ҳал қилувчи ўрин тутадиган яна бир ўта муҳим ва долзарб масала турил миllat ва этник гуруҳларнинг бирдамлика ягона миllat бўлиб яшашига қаратилган. Жумладан, Ўзбекистонда 137 дан зиёд миllat ва элат вакиллари истиқомат қиласиди. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги миllatlararo аҳиллик ва тотувликни таъминлашда хизматлари катта бўлганини 27ta miillat vakkilari томонидан тузилган 150га яқин миллий маданий марказларнинг фаолият олиб бораётганида кўриш мумкин», - дейа таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчisi С. Шодиев, талабалар номидан ўзбек тили ва адабиёти йўналиши талабаси, Навоий номидаги Давлат стипендиаси соҳиби О. Одиловлар сўзга чиқиб, йигилиши иштирокчilarini муборакбод этдилар.

Тадбирнинг маҳсус қисмida институтимизнинг бир гуруҳ профессор-ўқитувчilariga давлатимизнинг нуфузли нишонлари ва ҳукumatimiz faхрий ёрлиqlari тантanali равишda topshirildi.

Тантanali йигилиш мусиқий таълим йўналиши талабалари томонидан тайёрланган бадиий кечага уланиб кетди ва иштирокчilarда катта таассурот қолдirdi.

Дилшода ШУКУРОВА,  
«Зиё чашмаси»нинг  
жамоатчи мухбири

**Бир вақтлар «Зиё чашмаси» газетасида берилган «Ижодкорлик»-нинг партадаги акси ёхуд маданиятсизлик сарлавҳали мақола эъборимни тортган эди. Мақолада «Маъруза соатлари ўтиладиган хоналарга кириб ўкув парталарига назар ташласангиз, ундаги ёзувларни кўриб газабингиз қўзиди», дега куюниб сўз юритилган. Ушанда нафақат партага юзидағи ёзувлар, балки унинг пастки, ўкув қуроллари учун ажратилган жойида ўюлиб турдиган, олиб кўйиш навбатчининг, назорат қилиш эса хона мудирининг кўпда хаёлига келмайдиган «чиқиндилар» хусусида тўхтамабди-да, деб қўйган эдим. Қаранг, бунга ҳам беш йилча вақт ўтиби. Шундай бўлса-да, ҳозир ҳам аксарият факультетлардаги ўкув парталарида мазкур ҳолатни кўриб таъбингиз хира тортади.**

**Фижимлаб қолдирилган қоғозлар қайсицир талабанинг «озор етган» дафтарига тегишли бўлиши мумкин. Лекин, полиэтилен ўрамида қўйиб кетилаётган овқат қолдиқларичи? Баъзилари уч-тўрт кунлаб олинмай қолади. Хўш, улар қаердан пайдо бўлаяпти?**


## ЎКУВ ПАРТАСИ «ЧИҚИНДИ ҚУТИСИ» ЭМАС!

Тушлик пайти ёрим талабалар аудиторияда ноңушта қилишади. Улар учун маҳсус «сомсачи», «булочкачи» опалари тогора-тогора қилиб ноңушта ташийди.

**Негадир бу «тихорат»га рухсат бериш ёки бермаслик хусусида жiddий бош қотирилмаган.**

Сотувчилар институт биносига, кейин факультетларга ҳам бемалол кириб келаверишади. Уларнинг кираверишдаги навбатчилик столини эгаллаб олиб, танаффус бўлишини пойлаб турганига кўп бор гувоҳи бўлганман. Аслида ўкув хоналари тушлик қилиш учун мўлжалланмаган. Шу боис тамадди қилинган аудиторияда тезда турлича ноҳуш ҳидлар пайдо бўлади. Турган гапки, ундан қолган қоғоз-сочиқлар ва полиэтилен ўрамлари хонада антисанитария ҳолатини юзага келтиради.

Утган ўкув йилида бир жуфтлик дарсимииз ҳафтада бир марта «Бошлангич таълим» факультетидаги хоналардан бирида ўтилар эди. Афтидан хонада қоғоз ва мато



буюмларидан ўйинчоқлар ясалса керак. Кирishimiz билан кўзимиз бурчакларда сочилиб ётган қоғоз ва турли мато қийқимларига тушади. Партияниг остики қисми тўлиб, навбат хона бурчагидаги шкаф ичига келган. Устоз кириши олдидан бироз бўлсада, тартибга келтиришга уринардик. Бир кун шу хонада дарс ўтиляпти. Нуфузли дав-

лат органининг беш-олтида ходимлари ўкув-тарбия жараёнини кузатиш мақсадида кириб келишиди. Уларнинг бир-бирига таажжубли қараб олганидан гап нимада эканлигини пайқаш қийин эмасди.

**Аслида, бу каби ўкув хоналарининг бир неча кунлаб тозаланмай қолишига ким сабабчи дерсиз?**

Биз ҳамма аудиторияларда ахвол шундай дейишдан йироқмиз. Айрим факультетларда тозаликка алоҳида ёттибор қаратилади. Коридорларида «Жума - тозалик куни», деб ёзиб кўйилган (бундай ўзига хос чақириклар кўпчиликни беътибор қолдирмаслиги табиий, албатта). Дарслар якунланганидан сўнг гурӯх раҳбари, хона мудири, бирма-бир тозалиги назорат қилиб чиқадиган декан ўринбосарлари ҳам бор.

Таъкидлаш жоиз, вақтли матбуот нашрларида мактаб, коллеж ва академик лицейларда ўтказиладиган «Энг обод таълим муассаси» кўрик танловлари ҳақида ўқиб қоламиз. Танловга тайёргарлик кўриш «баҳоноасида» таълим муассасаси кўркини тўқадиган бундай камчиликлар бартараф этиб олинар экан. Демакки, олди олинмаган дилхизирилка чора қўлланилса, бартараф этилгани рагбатга муносиб кўрилади. Бундай мониторинг-таҳлилларнинг факультетлар ҳаётига жорий этиш бизнинг институтимизда ҳам яқиндан бошлаб амалга киритилгани бизни анча қувонтириди.

Аввало, орасталикни ўзимиздан бошлайлик. Бежизга «Ободлик - кўнгилдан бошланади», дейилмайди. Чунки кўнгли покиза инсон ўзига раво кўрмаганни бирорга раво билмайди.

Мухтасар айтганда, таълим даргоҳидаги ҳар битта жиҳоз, ўкув хоналари умум манфаатига хизмат қилади. Уни кўз қорачигидек асрар шу даргоҳ остоноасига қадам қўяётган сизу бизнинг олдимиздаги асосий бурч эканлигини унутмайлик.

**Шерзод ИСОҚУЛОВ,  
институтимиз  
магистранти.**

## Zalolatning eshi

уоҳуд ISHID haqida

«G’oyaga qarshi g’oya, jaholaiga qarshi ma’rifat bilan kurashmoq kerak». Islom Karimov.

Ma’lumki, Ishid ya’ni o’zlarini Iroq va Shom Islom davlati deb e’lon qilgan bir guruh jan-garilar qabib ishlarni amalga oshirib kelmoqda. Bugungi kunda «Biz islam davlatimiz» deb da ‘vogarlik qilib muqaddas islam dini va musulmonlarni dunyoga qora ko’rsatib, o’z chirikin niyatlarini amalga oshirishmoqda.

ISHID tarafдорлari va jangchilari nafaqat Iroq va Suriya huddularida, balki, Yevropa va Osiyoning ko’plab davlatlarida ham fisi yetibdi. Ma’lumotlarga ko’ra jangarilarning umumiyy soni 100 mingdan oshgan, bevosita urush o’chog’ idagilar esa 20 mingdan kam emas.

Aziz yurtdoshim, ogoh bo’laylik, hozirgi paytda terrorchi to’alar global tarmoqdan ham o’z maqsadlari yo’lida ustalik bilan foydalanishmoqda. O’zlarri tayyorlagan vedoroliklarni internetga joylab bormoqda.

ISHIDning ko’rinmas maqsadlari yoxud uchinchi qo’l tarafдорлari; islam ma’rifati tarqalishiga to’sqinlik qilish, butun olamni islam dinidan qo’rqitish va cho’chitish, islam diniga ommaviy nafratni paydo qilish, islam dini va mo’milarni yomon otliq qilish, yoshlarni jihod shiori ostida juvonmarg qilish, uloamolarni kofirga chiqarib yo’q qilish, musulmon o’llakalarida tahlikali fitnalarini yushtirish va nizo chiqarishdir.

Aziz do’stlar, tengdoshlar!

Biz bugun tinch va osuda zamonda yashayapmiz, ta’lim olayapmiz.

Ona Vatanimiz tinchligi va sarhadlari daxlsizligi, xalqimiz farovonligini oshirishga har birimiz mas’ul ekanligimizni unutmaylik.

Dilshod TURSUNOV,  
Kimyo o’qitish metodikasi  
yo’nalishi talabasi.

# И ФТИХОР

**Катта илмий ходим-изланувчи Олимжон Авалбоевнинг илмий ишига муносиб баҳо берилди.**

Ёшлар - Ватанимизнинг, ҳалқимизнинг таяничи ва сунячи. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб ўсиб келаётган авлодни замонасининг муносиб фарзандлари этиб тарбиялашга катта аҳамият берилмоқда. Ўтган йиллар мобайнида юртимизда замон ва ҳалқаро талабларга жавоб берадиган миллий таълим тизими яратилди. Бу борада Юртбошимиз И. Каримовнинг: «Юқори малакали, замонавий билимларга эга бўлган, ҳозирги кун талаблари асосида фикрлай оладиган етук кадрларни тайёрлаш ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам иқтисодий муаммоларимизни ҳал этишининг калити ҳисобланади», деган сўзлари дастурламал бўлди.

Давлатимиз томонидан иқтидорли ва истеъодли илодларни тарбиялаш борасида кўпгина тадбирлар, таъловлар, инновацион гоялар ярмаркалари, патентлар ва давлат грант лойиҳа танловлари ўтишиб келинмоқда. Жумладан, ҳар йили ўтишиб келинаётган ёш олимлар ва талабаларнинг «XXI аср - интеллектуал авлод асри» шиори остида бўладиган Республика илмий-амалий конференцияси ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Жорий йилнинг 19-20 ноябрь кунлари Тошкент иқтисодиёт университетида анжуман ўтиклиди. Анжуманинг самарасини ошириш ва қамровини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъод» жамгармаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси хузуридаги Фан ва технологияларини ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгashi ҳамкорлик қидилар.

Республикамизнинг 1468 нафардан зиёд ёш иқтидорли олим ва талабалари 4 та, яни «Ижтимоий-гуманитар фанлар», «Табиий фанлар», «Аник фанлар», «Техника фанлари» ўзбекларидан ўзларининг мавзузидаги мавзузаси билан иштирок этди.

Ушбу Республика илмий - амалий анжуманида Табиий фанлар факультети биология ўқитиши методикаси катта илмий ходим-изланувчиси Авалбоев Олимжон ҳам иштирок этиб, Табиий фанлар йўна-

лишида фаҳрли биринчи ўринни эгаллаб, I дарожали диплом ва компьютер техника жамланмаси билан тақдирланди. Конференцияда илмий ходим ўзининг «Фарбий Помир-Олойда айрим Ferula L. туркуми турларининг репродуктив биологияси» мавзусидаги мавзузаси билан иштирок этди. Мавзузаси туркум турларининг биологияси, кимёвий таркиби, захираси, интродукцияси, смола берувчи турларини сақлаб қолиш чора-тадбирлари ва иқтиодий самарадорлиги ҳақидаги маълумотлар анжуман иштирокчилари катта қизиқиш уйғотди.

Шу кунга қадар илмий ходим Республика ва ҳалқаро илмий - амалий анжуманларда 40 дан зиёд тезис ва мақолалари, I та услубий қўлланмаси, З та Давлат грант лойиҳаси билан иштирок этган.

Катта илмий ходим-изланувчи Авалбоев Олимжони факультетимиз профессор-ўқитувчилари ва талабалари номидан кутлаб, келгусидаги илмий ишларига парвоз тилаб қоламиш.

Маҳлиё НАЗАРОВА,  
Хуршид СУЛАЙМАНОВ,  
Биология йўналиши талабалари.

Инсон ўз ҳаётини борлиқса, унинг қонунларига эътибор бермай ташкил эта олмайди. Шу боис жамиятни тартибга солиш ва фуқаролар ўртасида ўзаро тенгликни таъминлаш учун қонунлар тўплами - Конституция яратилган.



## Адолатнинг бош мезони КОНСТИТУЦИЯМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ ВА УНГА АМАЛ ҚИЛАМИЗ!

Конституция атамаси қадимда сиёсий тузум маъносини англашган. Яратилган даврдан бошлаб Конституция хукуқий давлатнинг асосий белгиси ҳисобланган. Унда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий хусусияти, тараққиётнинг бош мезонлари, мамлакатички ва ташки сиёсатининг асосий йўналишлари ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1990 йил 20 июняда бўлган иккинчи сессиясида Мустақиллик декларацияси қабул қилинди. Декларацияда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. 1991 йил 31 авгуастда Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида қонун қабул қилинди. Бунда Мустақиллик Декларацияси ва Баёнот асос бўлиб хизмат қилди. Ушбу қонун 17 моддадан иборат бўлган. Бу хужжатда Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида кўйган илк қадамларининг хукуқий асоси яратилди. Ўз моҳиятига кўра уни Муваққат кичик Конституция деб таърифлаш мумкин. Мазкур қонуннинг ютуқларидан бири биринчи марта Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги жорий этилди. Ушбу қонунда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари миллатидан қатъий назар бир хил фуқаролик хукуқларига эгалиги ҳамда уларнинг Республика Конституцияси ва қонунлари ҳимоясида бўлиши қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 12 чақириқ 11 сессиясида (1992 йил, 8 декабрда) хукуқий аҳамиятга молик хужжат - Мустақилликни ўзида жам этган Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинди. У иқтисодиётда, ижтимоий-сиёсий муносабатлар ва маънавий ҳаётда чукур иқтисодиётлар ўтказиш учун юксалиш ва ривожланиш пойдеворига замин яратди.

Конституция, энгаввало, ўзбек халқининг тарихий анъаналари ва миллийликларини ўзида жамлади.

Мустақил Ўзбекистоннинг ilk Boш қомуси жаҳон ҳамжамиятининг инсон хукуқлари соҳасидаги ютуқларини ўзида тўла акс этиб, инсоннинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлизлик хукуқи, мулкдор бўлиш ва башқа шу каби хукуқлари асосий мезон ҳисобланади.

Конституциямиз нафақат юридик хужжат, балки миллий мафкурамизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий асосини ташкил этгувчи умуминсоний ғояларга хизмат қиладиган, давлат ва жамият ривожланишининг муҳим йўналишларини ва уларнинг түзилишларини белгилаб бериб, тартиб-

Акмал БИНОҚУЛОВ,  
«Зиё чашмаси»нинг  
жамоатчи мухбири

Менга ҳамиша  
омад это этган  
буюк илҳом  
парисига  
багишлайман.

«Нун. Қалам ва у билан битадиган битикларга қасамки, сиз Парвардигорингизнинг марҳамати билан мажнун эмасдирсиз».  
(Куръони карим.  
«Қалам» сураси, 1-2 - оятлар).

Ҳаммаси ўша сўз ҳақида.

Ва яна сўзни битажак қалам ҳақида ҳам.

Айтишларича, Оллоҳ таоло ўзининг мавжудлиги ва қурдатига эхром сифатида одамни яратишни ихтиёр қилди. Одам учун оламларни яратди. Бунинг учун унинг биргина амру фармони етарли эди ва буюк Холиқ бу амрни берди: «Ярал!» деди. Ҳаммаси бадастир бўлди...

Яна айтурларки, Оллоҳ қаламга «Ёз!» деб буюрди. Қалам: «Нимани ёзайн?» деди. Оллоҳ буюрдики, «Аввал ва охирда бўлган ва бўлажак барчасини...»

У аввал ярим тунга қадар ўй сурди. Юрагининг туб-тубини безовта қилаётган нарсани англай олмай қийналарди. Айвонга чиқиб тамаки тутатди. Сўнг хонага қайтиб чироқни ўчирди. Совуқ ўринга ётиб кўзларини юмди. Бўлмади, уйку дегани изминга бўйсунавермас экан. Шунда болалигини эслади. Оқшомлари ухлай олмасди. Тасаввурнида элас-элас гавдаланаётган ажидан ажидунёлар, ўзи хаёлан тўкиб чиқараётган сумбатларга маҳлиё бўлиб қоларди. Йўқ, у пайтлари ҳаммаси бошқача эди. Тасаввур қиласди, бундан тўйиб-тўйиб завқланарди. Тамом!

Аммо кейин ҳаммаси ўзгарди. Ҳаёлий дунёлар ҳам, гаройиб мавжудотлар ҳам. Аммо ҳаёлот ҳануз бор. Фақат энди ёлғиз ўзи бундан завқдана олмайди. Аллақандай мажбурият уни ёзишга, ҳа-ҳа ёзишга ундайди. Мана ҳозир ҳам. Кечак ва ундан аввали кун, умуман, бутун ой давомида уни бир тилсиз тек қўймаяпти. Ёзишга эса... ҳали ўзи аниқ била олмаган нарсани қандай ёзин?! «Тавба, эсадан оғдими?!», - ўлади у. «Ўз истагинг нима эканлигини ўзинг англай олмасанг. Шунақаси ҳам бўладими? Бўлар эканда... Ё чиндан ҳам мажнун бўлдими...».

Болалигига онаси қўлидан етаклаб китоб дўконларига элтарди. Пешлав-

## Қалам Ҳикоя

ҳалардаги жилд-жилд китоблар уни мафтун қилиб кўяр, гўё ўзини тилсимлар дунёсига тушиб қолганлек ҳис этарди. Онаси ўзи саралаб ҳарид қилган китоблардан оқшомлари унга ўқиб берарди. Ахир уни ҳали саводи йўқ эдид. Шуларни ўйлаб мийигида кулди. Ҳа, болалик бизнинг энг покиза хотиротимиз.

Кейинчалик мактабга қатнай бошлиди. Ҳижжалаб китоб мутолаа қила бошлаган кезлари бир умр унтилмас ёд бўлиб қалбига муҳрланди. Бора-бора бу нақш унга тинчлик бермай кўйди. Ана шундан бошланди.

Отаси унга қаламнинг инсониятга ҳада этилган қурдатли неъмат эканлигини айтиб берди.

У қаламга хиёнат қилмас бўлди. Қалам унга содик бўлди.

У чуқур ўйқуда эди. Хонада қиқирлаган кулгу янгради. Неча йиллардан бери қадрдан бўлиб қолган ва мана бир ойдирки ўзига интизор қилтан товуш қулоқларига етиб бориши билан сапчиб ўрнидан турди. Қачон кўзларига уйқу илашганини эслай олмайди. Соатига қаради: тун яrimдан оғиби. Култу таракорланди. Кўзойнагини пайпаслади, тополмади. Оидин ёруғлик тушиб турган деразага зеҳн солиб тикилди. Аввал ой тўлишибди, деб ўйлаган эди. Йўқ, осмонда ой йўқ, ёғду кулгу эгасига тегиши экан.

- Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим, бу сенми? - деди у севинч товуш билан. «Кўзойнагим стол устида эди. Ҳозир эса йўқ. Бу ҳойнаҳой сенинг ишингидир?

Жавобан яна қиқирлаш эшитилди ва дераза токкасидан бўйи ярим газдан ошмайдиган, ўзига анча катта кўзойнагни бурнига қўндириб олган жажигина мавжудот полга сакраб тушди. Ва... ниҳоятда тиник, қўнғироқ жарангиданда ёқимлироқ, гўдак товушиданда маъсум бир овоз билан шивирлади:

- Кечир, анча кутиб қолдинг...

Мана йигирма йилдирки, у тез-тез келади. Ҳар гал келишида ёғдуга чўм-ган қаламни ўзи билан олиб келади.

Дастлабки кезларда ёзувчи уни айиқ боласи деб ўйларди. Чинданда у (икки куракчалари ўртасида табиат

(Давоми 4-саҳифада)

2016 йил - Соғлом она ва бола йили

## Янги йилда янги режалар

Миллат маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекёёсdir. Зоро, инсоннинг олам ва одам ҳақида ги тасаввурлари, билимлари илк бор оиласда шаклланади.

Оиланинг файзи ота-она бўлса, уларнинг умиди, оиланинг эртаси фарзанддир. Юртбошимиз Ислом Каримов «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, баҳти бўлишлари шарт» деб кўп таракорлайдилар. Ушбу фикринг асосини ёшларга яратилаётган имкониятларда кўрамиз.

Ҳар йил якунида келаётган янги йилга ном бериш Республикамизда анъана тусига кирган. Бу йил ҳам шундай бўлди.

5 декабр куни Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллиги тантанали йиғилишида Юртбошимиз нутқ сўзлаб, кириб келаётган 2016 йилни «Соғлом она ва соғлом бола

Нигора ҲАСАНОВА,  
Мусиқий таълим  
йўналиши талабаси.

# НАЗМ ГУЛДАСТАСИ

## Онамга

Сиздан узоқларда юриб, онажон,  
Хар куни минг эслаб-эслаб, онажон.  
Сизсиз ҳеч кимлигим билиб, онажон,  
Эслаб уйғонаман кулишларингиз,  
Мени бутун согинтириб койишларингиз.

Тунлари тушимда күриб, онажон,  
Хар лаҳза мәхрингиз туибы, онажон,  
Хали гүдаклигим билиб, онажон,  
Баъзан малол келган даккиларингиз,  
Мени энди согинтириб суйишларингиз.

Үзимни билибман баъзан мардана,  
Мұхтожман сизга мен бўлсамда она.  
Мен ҳис қилдим бугун бир бора яна,  
Сизсиз ҳеч кимман дунёда, она.  
Мени жуда согинтириб кулишларингиз.

Муясар КАРИМОВА,  
Инглиз тили ва  
адабиёти йўналиши талабаси

## Ором ол!

Завқли ҳаётимнинг дамлари тотли,  
Тарқалиб кетади кўрсам чарчогим.  
Тили ширин, асал-қанду новвотли,  
Ором олгин, дўндиқ, оқ қўзичогим.

Ухла, ором олгин, ёнингда ўзим,  
Силаб-сиёпалайман нурли пешонанг,  
Атак-чечак изга муштоқдир кўзим,  
Чароғон уйимиз сенинг кошонанг.

Ухлайвер булбуллар битмоқда ашъор,  
Осуда ҳаётга айтиб тасанно.  
Боғдаги беданам сергак ва ҳушёр,  
Хар ёнга боқади қилиб таманно.

Ухла, кўзмунчогим, ороминг олгин,  
Тинч Ватан кучоги сенинг бешигинг.  
Юртнинг садоқатли фарзанди бўлгин,  
Сенга йўллар очиқ, очиқ эшигинг.

Дилноза МУҲАММАДИЕВА,  
Мактабгача таълим  
йўналиши талабаси.

## Бевафо

Хайр, жоним, яхши қол,  
Сен ҳаётнинг дарсин ол.  
Сенга бўлдим мен малол,  
Бахти бўлгин бевафо.

Орзуйингга эришгин,  
Бахтинг билан кўришгин,  
Вафо қилсанг севишигин,  
Бахти бўлгин бевафо.

Мени унутма асло,  
Бир камдир, билгин дунё.  
Кўрдим шу сўзни раво,  
Бахти бўлгин бевафо.

Ҳасан ЭШБЕКОВ,  
Ўзбек тили ва адабиёти  
йўналиши талабаси.

## Насихат

Дардга тўла бу кўхна дунё,  
Гар йигласанг етмас кўз ёшинг.  
Сабру бардош этагин тутсанг,  
Ёкут бўлар қўлингдаги тош.

Йўлга тўла бу кўхна дунё,  
Юрар йўлдан адашмасанг бас.  
Азиз бошинг асрагин омон,  
Гоҳ хавф-хатар солади бир хас.

Нурга тўла бу кўхна дунё,  
Қалб уйини тўлдир зиёга.  
Бахтинг изла, билсанг саботсиз,  
Ҳеч бир ирмоқ етмас дарёга.

Жаҳдга тўла бу кўхна дунё,  
Бошоқ эди аввал бир дона.  
Эрта кунга ишонч, тарараддул,  
Бугунингга қилгин шукронга.

Завқга тўла бу кўхна дуне,  
Баланд осмон каби қулоч оч.  
Она замин каби бўл сахий,  
Нурли офтоб каби мәхринг соч.

Ишқга тўла бу кўхна дунё,  
Ошиқ бўлгин ёруғ ҳаётга.  
Ниятингни пок қилсанг агар,  
Етажаксанг мақсад, муродга.

Муҳаммад АКАЖОНОВ.

## Биласизми?

Буюк жадид алломаси Маҳмудхўжа  
Беҳбудий ёзувчи, журналист, драматург,  
тарихчи, файлусуф, сайдж, педагог,  
географ ва ношир бўлган. У инглиз,  
француз, рус, турк, озарбайжон,  
қозоқ, қирғиз, форс ва яхудий тилларини  
мукаммал билган.

1891 йилда у ўзининг жуда йирик  
ҳажмидаги «Мусулмонлар Россияда»  
мақолосини эълон қиласди. Беҳбудий  
шундан 16 ёнда эди. 1919 йилда Бухоро  
амиринг ҳукими билан Қаршида қатл  
этildi. Тарихчи олим Умид Бекмухаммедининг таъкидлашича ҳибса  
олинган вақтда Беҳбудий Буюк Британия  
элчиси билан Туркистон тараққийлаштириш борасида музокараларга  
кетаётган бўлган.

Абдуазиз САФАРОВ,  
Инглиз тили ва  
адабиёти йўналиши  
талабаси.

Барибир ҳеч нарсани  
англай олмагач, ёзишдан  
бошқасини бас қилди.

- Кечир, анча кутиб  
қолдинг. Сени согиндим.

Шунинг учун ўзим келомасамда,  
ташибро ҳақида дилингни аввалдан бе-  
зовта қилдим.

Унинг овозида аллақандай сеҳр ва  
куончга ўхшаш шўхлик бор эди.

У ёзувчининг ёнига оҳиста сузуб  
келиб, қўлидаги ёғду тараатиб турган  
қаламни тутди.

- Янгисими? - ҳаяжон билан энти-  
ди ёзувчи.

- Шунақа десам ҳам бўлади. Аммо  
сен учун янгиси эмас. Ахир бир ой-  
дирки, хаёлинг шу билан банд. Шун-  
дай эмасми?

- Шундай десам ҳам бўлади.

Хонада иккى кишининг бениҳоя  
ёқимли кулгуси янгради...

## Қалам Ҳикоя

Кўёшнинг илк нурлари унинг юзи-  
га тушганида энтикиб уйғонди. Руҳи  
енгил, кайфи жуда чоғ эди. Стол ус-  
тида рангини аниқ айтиб бўлмас қа-  
лам билан қораланган қўлёзма турар-  
ди. Ёзувчи уни кўлига аста олиб даст-  
лабки сатрларини ўқиди:

«Ҳаммаси ўша сўз ҳақида. Ва яна  
сўзни битажак қалам ҳақида ҳам. Ай-  
тишларича...»

Орифжон ОДИЛОВ,  
ўзбек тили ва адабиёти  
йўналиши талабаси,  
Навоий номидаги давлат  
стипендияси соҳиби.

«Жиззах-принт»  
босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили:  
Жиззах шаҳри, 130100.  
Сайилжойи қўчаси,  
4-уи.

(Бошлиниши 3-слҳифада)

беназир санъат билан жойлаштирган  
икки нафис қанотни демаса) миттиги-  
на айиқ боласини эслатарди.

- Сен кимсан? - деган эди ўшандада  
ёзувчи.

- Ўзинг нима деб ўйлайсан, - сирли  
кулди айиқча.

- Сен қуён эмас, - ўйлади ёзувчи  
негадир. Сўнг тусаттан келган фикри  
ўзига жуда бемаъни туюлди.

- Албатта, ахир менинг икки шал-  
пангкулоқларим йўқку, - қиқирлади  
у. - Яна қуёнлар дикир-дикир сакра-  
шади. Мен эса ундай эмас.

Ёзувчи фақат хаёлидан ўтказган  
гапни у ўқиб олганидан ҳайратланиб  
бейхтиёр шивирлади: - Чиндан ҳам  
сен қуён эмас... Сўнг қўшиб қўйди:  
- балки сени айиқ боласи десам тўғри  
бўлар?

- Ихтиёринг. Бу ҳеч нарсани ўзгар-  
тирилди. Аслида мен бу - сен. Қан-  
дай аташ эса муҳим эмас. Муҳими  
шуки, мен ҳақимда ҳеч кимга чурқ  
этма, - деди айиқсимон махлукча.

Ziyo clashmasi

МУАССИС:  
Абдулла Кодирий номидаги  
Жиззах Давлат педагогика  
институти

Бош мұхтарир Абдукарим ШАРИПОВ

Таҳририятга келган хатлар  
тахлил этилмайди ва  
муаллифларга  
қайтарилмайди.  
Муаллифлар фикри  
таҳририят нуқтаи назаридан  
фарқланиши мумкин.

Газета Жиззах вилояти Матбуот ва  
ахборот бошқармасида 2006 йил  
26 декабрда 06-017 рақами билан  
рўйхатга олинган.  
Босишига топширилган  
вақти - 19.00  
Топширилди - 18.00

Манзил:  
Ш. Рашидов  
шоҳ қўчаси,  
Абдулла Кодирий  
номидаги Жиззах  
Давлат  
педагогика  
институти.

Офсет усулида  
Буюртма №

нусхада босилди.  
Shakl-A-3.